

## NAVRUZ HOLIDAY IS OUR HISTORICAL LEGACY

Nevruz Bayramı - Bizim Tarihsel Mirasımız

Zubaydulla IBRAGIMOV\*

**Öz:** Nevruz baharın ilk günü ve yeni yılın başlangıcıdır. Bu genellikle 21 Mart günü oluşan astronomik kuzeye ekinoks gününde kutlanır. Nevruz farklı etnik toplulukların ve binlerce yıldır farklı dini kökenden gelen insanlar tarafından kutlanmaktadır. Azerbaycan, Tacikistan, Türkmenistan, Özbekistan, Kırgızistan, Kazakistan ve Orta Asya'daki diğer milletler dahil olmak üzere birçok farklı insanlar tarafından kutlanan bir bayramdır. Özbekler arasında Nevruz, her zaman barış, refah ve sevinç gibi kavramları çağrıştırmıştır.

**Anahtar kelimeler:** Nevruz, yeni gün, takvim, tatil

**Abstract:** Nowruz marks the first day of spring and the beginning of the year. It is celebrated on the day of the astronomical Northward equinox, which usually occurs on March 21 or the previous/following day depending on where it is observed. Nowruz is celebrated by people from diverse ethnic communities and religious backgrounds for thousands of years. It is a secular holiday that is enjoyed by people of several different faiths, including Azerbaijan, Tajikistan, Turkmenistan, Uzbekistan, Kyrgyzstan, Kazakhstan and other scattered populations in Central Asia. The connotation of Nowruz among Uzbek people has always been notions like peace, prosperity and joy.

**Keywords:** Nowruz, new day, calendar, holiday

---

\*Samarkand State Museum

Навруз байрами тугрисида гап кетганда, аждодларимиздан бизгача етиб келган шодлик ва хурсандчилик хамда янгиланиш ва ёшириш байрами, янги кун деб таъриф барилади. Дархакикат бизгача турли хуласалар берилсада бу кун факат яхшилик ва хурсандчилик байрами булиб, халк учун, эзгуликк хизмат килган. Аждодларимиз кадим замонларда, ислом динидан олдин Куёш таквимини жорий этшган, унда хар йил 12 ой, яни 365 кун белгиантан. Йилнинг хар ойи ва хар бир куни эзгулик худоси Ахуромазда ёрдамчилари – фаригаталари номи билан юритилган. Чунончи йларга куйидаги номлар берилган; **Фарвардин** (Хамал); Урдибихишт (Савр); Хурдод (Жавзо); Тир (Саратон); Мурдод); (Асад); Шахривор (Сунбула); Мехр (Мезон); Обон (Акраб); Озор (Кавс); Дай (Жадий); Бахман (Далв); ва Исфандармуз (Хут).

Хар бир ой 30 кун белгиланиб, кунларга куйидаги номлар берилган: Хурмуз; Бахмай Урдибихишт; Шахривор; Исфандормуз; Хурдод; Мурдод; Дайбозур; Озар; Обон; Хур; Моҳ; Тир; Гуш; Даймехр; Мехр; Суруш; Раш Фарвардин; Баером; Ром; Бод; Дайбодин; Дин Орад; Аштод; Осмон; Зоймийёд; Морисфанд Анирон.

12 ой жами 360 кун булиб, ортиб колган беш кунга: Ахнавад; Ашнавад; Исфандормуз Дехишт; Хаштивеш номлари берилиб, янги йил киришидан олдин, йилнинг охиригига - Исфандормуз охирига Фарвардиён номи билаг, күшганлар.

Хар ой куни ой номига мувофик, – отдош тушса, уша куни байрам **утказганлар**. Фарвар-диннинг 19-куни Фарвардин байрами, Урдиби-хиштнинг 3-куни Урдибихишт байрами, Хур- доднинг 6-куни ХУРДОД байрами, Тирнинг 13- куни Тир байрами, Мурдоднинг 7-куни Мурдод байрами, Шахриворнинг 4-куни Шахривор байрами, Мехрнинг 16-куни Мехр (Мехржон)байрами, Обоннинг 10-куни Обон байрами, Озарнинг 9-куни Озар байрами, Дайнинг 23- куни Дай байрами, Бахманинг 2-куни Бауман байрами ва Исфандормузнинг 5-куни Исфандормуз байрами булиб нишонланган.

Ой ва кунларга номи берилган фаришталар узларига биркитилган даврда, яни **оий** ва кун- ларда тартибу интизом жараёнини назорат килиб, яна Ахурмаздо томонидан юклатилган мухим вазифаларни ижро этишда масъул эканлар. Масалан: Урдибихишт – поклик ва тугриликни ургатувчи, меҳр-мухаббат уйготувчи; Хурдод – сув хомийси; Мурдод – инсонларни гуноҳдан асрайдиган, **инсоният** наслининг да- вомини ва дунё абадиятини таъминловчи; Шахривор – камбагал, гарibu бечораларни **Химоя** килувчи; Бахман – инсонларга эзгу амалларни, эзгу сузларни ургатувчи; Исфандормуз – меҳр-мухаббат, садокат, сабр-токат, каноат хомийси ва хоказо.

Кадим замонларда одамлар йилни икки фаслга: иссилик – Ёз ва совук ушк – Един фаслларига булишган. Иссилик фасли егги ой - Фарвардиндан Мехрғача ва совукдик фасли беш ой – Обон ойидан Исфандормуз ойигача давом этган.

Иссилик фасли бошланиши билан одамлар чорваларини яйловларга чикариб, экин экиб, дехкончилик ишларини бошлаганлар.

Совуклик фасли бошланиши билан чорва молларини сахро-ю даштлардан иссик, огилларга кайтариб олиб келганлар. Дехконлар далалардан хосилларини йигиб олиб, чорвадорлар эса молларига ем-хашак ва рузгорлари учун кишилик озик-овкатлар захира килганлар. Авлодларимиз иссилик фасли бошланишини Навруз байрами билан ва совуклик фаслини Мехржон байрами билан кутиб олганлар.

Аждодларимизнинг тантанали байрамларидан, асосан, Навруз ва Мехржон булса, Навруз байрамини уtkазиш тартиби, маросилари Мехржон байрамидан тубдан фар килади.

Навруз энг табаррук ва мukаддас байрам булиб, у факат бир кун, яъни Феврал ойининг биринчи куни (21 март) утказилмасдан, балки бир ой давомида утказилган ва уч даврга булинган, яъни “Фарвардиён”, “Омма Наврузи” ва “Хослар Наврузи” ёки “Наврузи бузург”.

“Фарвардиён” рудар байрами булиб, йилнинг охиригига ойи Исфандормузнинг 26-кунидан (11 март) 30-кунигача (15 март), яъни Аштоддан Аниронгача ва Фарвардиён кунлари, яъни охиригига ой Исфандормузга кушилган 5 кун (16–20 март) давом этган. Фарвардиён кунларида эзгулик худоси Ахуромазда, фаришталар ва инсонлар руҳи ерга тушиб байрам килганлар. Инсонлар арвоҳлар шарафига назру ниёзлар, хайру эхронлар, курбонликлар келтириб, аждодларининг қўбрларини зиёрат этиб, обод килганлар.

Абу Ращон Беруний Қадимги Хоразмнинг тарихи ва маданиятини диккат билан урганаркан, ватандошларининг урф-одатлари хамда диний эътиқодларини кузатиб, Хоразмда шоду хуррамлик билан нишонланувчи баҳор байрами Навруznинг қадимий манбалари хакида эслатиб утади.

Аждодларимиз аввал **утиб** кетганлар руҳини ризо килиб, хотира кунлари маросимини утказиб, ундан сунг байрам килганлар.

“Омма Наврузи” оммавий халқ; байрами булиб, Наврузи Фарвардин ойининг биринчи Хурмуз кунидан (21 март) бошланиб, Исфандормуз (25 март) гача беш кун давом этган. Бу кунларда шохлар беш кун давомида оддий халкнинг арз-додини эшитиб, хожатларини чикариб, совга-инъомлар таркатишган.

“Хослар Наврузи” ёки “Улуг Навruz” Навруznинг олтинчи ХУРДОД кунида (26 март) бошланиб, ой охиригача давом этган. Бу кунларда шоҳ, зиндон-дагиларни озод этиб, хали жазога тортилмаган гунохкорларнинг гунохларини кечган, сунгра оила аъзолари билан байрам калганлар.

Шу сабабли бўлса керакки мамлакатимизда хам турли савобли ишлар (шанбалик, ободонлаштириш ва хайрия ишлари) амалга оширилмоқдаки буларнинг бариси жамият ривожи ва юрт равноки, инсонлар саломатлиги хамда уларни ижтимоий химоялашнинг бир омилидир десак адашмаган буламиз. Буйук бобомиз Алишер Навоий айтганларидек хар кунимиз навруз булсин, янгидан-янги ютуклар ва зафарлар юртимизни тарқ этмасин.

Якин ва Урта Шарқ мамлакатлари каби Урта Осиё халкларининг хам энг кадимги ва севимли байрамларидан булган, сузма-суз таржима килганда «янги кун» маъносини англатувчи Навруз ва бошқа байрам хамда маросимларга караганда санъат, шеърият ва мусикада купрок уз аксини топган. Минг йиллар давомида мусика шу навруз байрами билан boglik булиб, унда иштирок этиб келаётганлиги хаммамизга маълум. Наврузниң мусика билан boglikлиги хакида гап кетганда биринчи навбатда Шарқ халкларининг буюк мероси - Фирдавсийнинг «Шохнома» асари беихтиёр эсга олинади. Наврузниң афсановий шоҳ Жамшиднинг таҳтга утириш маросими билан boglайди;

Жамшид бошига зар-гуҳар түқдилар,  
У кунга янги кун деб ном кўйдилар.  
Йилнинг бошида Хурмузи Фарвадин,  
Колмай танды ранжу ва дилларда кин.

Шунингдек Зардуштийларнинг мұқаддас китоби Авестода Навruz номи учрамаса хам, аммо баъзи кадимий пахлавий манбаларда Навruz байрами ва унинг маросимлари тутрисида суз боради ва шунингдек куплаб асарларда хам бу байрамнинг ахамияти хакида кимматли маълумотлар берилиб келинмоқда. Улардан маълум булишича, байрам килиш жараёни икки асосий вазифани англатган. Биринчидан, умумхалк уйин-кулгилари, мусика садолари остида. халк орасида кенг таркалган чолгу асбобларида анъанавий кўйлар, кушиклар, лапарлар ижроси билан утган. Навruz билан boglik бу асарлар асосан оммавий халк байрамлари, туй тамошаларга файз киритувчи мусика турларини ташкил этган. Хозир хам узбек ва тожик халклари орасида **халк** чолгу асбоблари ёрдамида ижро этиладиган «Шодёна» кўйи, миллий кўй-кушикларимиз, айтишувлар, лапарлар ва хакозалар бунга яккол мисол була олади.

Иккинчидан мусика Навruz байрамининг алохида расм-русумлари ва куринишларига хамоҳанг ижро этилади. Шу боисдан бу байрам ва у билан boglik анъаналар уста машшокларнинг ижод жабхасига айланаб, маҳсус кўйлар вужудга келган. Бунга машхур машшок Борбад ижоди ёркин мисол булиб хизмат килиши мумкин. Илк урта аср мусика санъатининг «Боди Навruz», «Сози Навruz», «Нози Навruz», «Наврузи Харо», «Наврузи Хурдак», «Наврузи Кикбод», «Наврузи кучак», «Наврузи бузург», «Наврузи Кайхусравий» ва бошқалар мисол булиши мумкин.

Бирок, Навруз маросимлари ва расм-руссумлари бу куйлар оханг ва макомларида кай тарзда акс этган, улар муайян жанр белгилари тарзида шакллаланиб улгурғанми? Уша даврларга таллукли жонли мусикавий далил-исботлар йуклиги боис бу савол хозирча жумбоклигича колмокда. Эҳтимол, Навруз мавзуси Борбад ижодида унинг асосий пардалари тизими билаи боғлиқдир. Агар шундай булса, биз парда тизимида Навруз рамзи узлаштирилишининг илк мисолини курган буламиз. Унинг анъаналари кейинчалик 12 маком пардалар (даврлари) да, сунгра эса узбек-тожик макомларида давом этганлиги түгрисида маълумотлар мавжуд.

Масалан XIII - XV асрларда Урмавий, Шерозий, Марокий, Жомий каби таникли мусикашуносларнинг рисолаларида ишлаб чикилган 12 парда тизимида Навруз мавзуси билан боғлиқ бир канча товуш каторлари - оханглари тилга олинади. Бу товуш каторларининг барчаси иккинчи - овоз ва учинчи - шульба гурухларининг эркин оханглари сирасига киради. Олти овоз охангি орасидаги битта оханг Навруз ёки Наврузи асл (асосий Навруз) деб аталади. Унинг Наврузи кабир ва Наврузи сагир вариантлари хам учрайди. 24 шульба орасида Наврузи Харо, Наврузи Аман, Наврузи баёт ва бошкалар бор.

12 парда тизимини мерос килиб олган Шашмаком хам Навруз мавзуси ва рамзлари билан азалий муносабатни курсатиб турибди. Унинг хозирги замон талкинида бир канча шульбалар булиб, уларнинг номларида «Навруз» сузи сайданиб колган (гарчи бу шульбалар матнлари соф шаркона ишкий лирикани узида намоён этса- да). Булар: «Рост» макомидаги «Наврузи Сабо» (Оғахий шеъри) ва «Талкинчай Наврузи Сабо», «Сёғбх» макомидаги «Наврузи Харо» (Нодира ш^ери) ва «Наврузи Ажам» (Навоий шеъри) [(Шашмаком. Т., II, Рост. Ю.Ражабий ёзиб олган. Ф.М.Караматов таҳр.ост.Тошкент, 1967 й. 57-65- б; Шашмаком. Т., V, Сегоҳ, Тошкент, 1973, 55- 58,63-67- б.)]. Шу билан бирга,. И.Р.Ражабов таъкидлаганидек, икки сунгти шульба («Наврузи Харо» ва «Наврузи Ажам») 12 маком тизимидаги шульбалар номи орасида.ам учрайди.

Оғзаки анъанага хос мусика санъатида, макоматда Навруз тимсолларининг узгаришлари кай йусинда амалга оширилганлиги масаласи хали уз ечимини топганича йук. Факат маълумки, бу ерда ушбу мавзунинг тилга олиниши тасодифий эмас, унинг илдизи бевосита шу айём пайдо булган даврларга бориб такалади. Хозирги вактда эса Шашмаком; кисмларининг санаб утилган номларигина Навруз билан боғликлардан гувохлик бериб турибди.

Узбеклар, тожиклар ва Шаркнинг бошка калқдари мусика фольклорида Навруз билан узвий ва бевосита алокадорлик кузга ташланади. Тимсолайар ва мавзуларнинг (умуман баҳор келиши, шунингдек байрам расм-руссумлари билан боғлиқ) муайян доираси асосан бир канча кушик жанрларида уз ифодасини топган, хусусан, бир катор жойларда (масалан, Исфарарада) болалар кушиклапарлари узбекча-тожикча матнлар билан ижро этилиши фольклоршунослар

томонидан таъкидлаб утилган. Буларнинг барчаси халк байрами - кутлук Наврузи олам нечокли пурвикор ва кадимий эканлигидан далолат беради.

Борбад Хусрав хузурида куй ижро этмоқда. Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асарига ишланган расм. 1664й.



## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

БЕГМАТОВ Э. (1965) Антропонимика узбекского языка. АҚД. – Ташкент: Фан.

Античные теории языка и стиля. Том. 3. – М. -Л., 1936. С. 121; Катанов Н.О. Алфавитный указатель собственных имен, встречающихся во втором томе «Образцы народной литературы тюркских племен, собранных В.В.Радловым». - Санкт-Петербург, 1988. С.2-15; Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Тошкент, 2007.

ТОЛСТОВ С.П., (1948) Древний Хорезм. – М.: МГУ.

Абулгози Баходирхон. Шажараи тарокима. (1995) Тошкент.

БЕГМАТОВ Э. (1914) Исларнинг сирли олами. – Тошкент: Ўзбекистон.

